
ҚОДИРЖОН ЭРКАБОВ УЧКЎПРИК ТУМАНИ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАНДИ

19 февраль куни Халқ депутатлари Учкўприк туман Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда лавозимидан озод этилган Абдоржон Асқаров ўрнига янги туман ҳокимини тайинлаш билан боғлиқ ташкилий масала кўрилди.

Сессияда иштирок этган вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров томонидан тақдим этилган Эркабев Қодиржон Носиржонович номзоди туман Кенгаши депутатлари томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди ва “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Фарғона минтақавий филиали бошлиғи бўлиб ишлаб келган Қодиржон Эркабев Учкўприк тумани ҳокими этиб тасдиқланди.

Қодиржон Эркабев 1988 йилда Бешариқ туманида туғилган. Фарғона политехника институтини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 2013 йилда Марказий банк Фарғона вилояти Бош бошқармасида бошлаган ҳамда 2020 йилга қадар қатор масъул лавозимларда фаолият олиб борган, 2019-2020 йилларда Марказий банк вилоят Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари, 2020-2021 йилларда биринчи ўринбосари бўлган.

Қодиржон Эркабев 2021 йил 10 августдан буён “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Фарғона минтақавий филиали бошлиғи бўлиб фаолият кўрсатиб келаётгани.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-02-20 12:12:42